

Шаъбон Қуръон тиловати ва закот ойдир



16:05 / 01.02.2025 2200

Ибн Ражаб Ҳанбалий раҳимаҳуллоҳ: «Анас айтади: мусулмонлар Шаъбон ойи кирса, мусҳафлари устига мук тушганча қироатга тушиб кетардилар ва Рамазон рўзаси вақтида заиф ва мискинларга қўллаб-қувватлов бўлиши учун молларидан закотларини чиқарар эдилар», дедилар.

«Латоифул маъориф» асаридан.

Изоҳ: Ҳубайб ибн Собит шаъбон ойи кирса: «Бу ой қорилар ойдир», дер эди.

Ҳасан ибн Саҳл: «Шаъбон айтarkan: «Эй Робб, мени икки улуғ ойнинг ўртасида қилдинг, менга нима (улуш) бор?», Аллоҳ унга: «Сенда Қуръон қироатини (кўп ўқилишини жорий) қилдим», дер экан», дедилар.

Мисрлик олим, Ислom ишлари олий ҳайъати аъзоси шайх Холид Жундий DMC фазовий йўлдош телеканалида эфирга узатиладиган «Лаъаллахум

яфқоҳуун»номли кўрсатувда жумладан: «Закот чиқаришнинг энг афзал вақти шаъбон ойдир. Бу ҳолат саҳобаларнинг ҳаётларида очиқ-ойдин зоҳир бўлган. Шунинг учун ҳам закот чиқаришда улкан ажр-савоблар бор бўлиб, уни комил бажаришда савоблари бир неча баробар зиёда бўлади», деди, ҳамда «...закот фарз ибодат бўлиб, Ислом арконларининг учинчи рукнидир», дея қўшимча қилди.